
ЎН НАФАР АЁЛГА янги йилда янги уйлар берилди

Юртимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, айниқса, оғир вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Уй-жойга муҳтож аёлларнинг муаммосини ҳал этиб, уларга алоҳида эътибор қаратилиши эса мамлакатимизда инсон қадрини нақадар улуғланиб келаётганидан далолатдир. Вилоятимизда, жумладан, туманимизда маҳаллабай, хонадонбай ўрганишлар натижасида кўплаб аёлларнинг уй-жойга муҳтожлиги аниқланиб, амалий чора-тадбирлар кўрилди. Янги йил арафасида туманимиздаги ўн нафар аёлга ипотека кредити бўйича уй-жойлар қийматининг 15 фоиз бошланғич бадали тўлаб берилган ҳолда 2 хонали уйлар топширилди. Уларнинг орасида 1-гурӯх ногирони бўлишига қарамай ҳаракатдан, изланишдан, тўхтамайдиган ижодкор, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети филология факультетининг 4-босқич талабаси Мунира Адҳамова ҳам бор. Янги йил байрами олдида Фарғона шаҳридаги “Файз” тантаналар мажмуасида тўловни қафолатловчи сертификат Мунирага ҳам тантанали тарзда топширилди. -Инсон қадрини улуғладиган, аёлларни бундай эъзозлайдиган мамлакат дунёда бўлмаса керак, дейди у. -Очиғи, уй берилишини, биз учун байрам дастурхони ёзилишини кутмаган эдим. Бундай хайрли ишларнинг бошида турган Президентимизга, туманимиз ҳокими ва башқа барча ташкилотчиларга чексиз миннатдорлик билдираман.

2022-01-14 11:15:54